Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 23-avgust. Payshanba ● 99-100 (31.532) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ҲУНАРЛИ КИШИ ЯРАТИШ ИШТИЁҚИ БИЛАН ЯШАЙДИ

***ўзи ва оиласи фаровонлигини мустаҳкамлашга интилади, турмушида хайр-барака, файз-тароват бўлади***







**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ, ТУРИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА КАСАНАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. УЙ МЕҲНАТИНИНГ БУНДАН БОШҚА ҲАМ АФЗАЛЛИКЛАРИ КЎП.**

Энг асосийси, рўзғордан узилмай ишлайсан, яна меҳнатинг қонуний, бир вақтнинг ўзида ҳам оилага, бола тарбиясига қарайсан, ҳам оила даромади ошишига улуш қўшасан. Айниқса, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган бўлсада, меҳнатнинг муайян турига лаёқатли фуқаролар, иш топишда қийинчиликка дуч келаётган кишиларни доимий меҳнатга жалб этишда унинг ўрни беқиёс. Шундан бўлса керак, партиямиз жойларда касаначиликни янада тараққий эттириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлари касаначилар меҳнатининг қонуний ҳимоясини таъминлаш бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб бораяпти.

Бекобод туманида «Қишлоқ аёллари орасида касаначиликни ривожлантириш» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда фикр юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, электорат вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

⇨ 2

# БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАЛАРИ ГАВЖУМ

**ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАЛАРИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШАЁТГАН ШУ КУНЛАРДА ХАЛҚИМИЗГА ЯНАДА КЕНГ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, АҲОЛИНИ НИСБАТАН АРЗОН ВА СИФАТЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САВДО-ЯРМАРКАЛАРИ ИШИ ТОБОРА ФАОЛЛАШМОҚДА.**



«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, шу кунларда пойтахтимиздаги йигирмадан зиёд жойда савдо-ярмаркаси фаолият юритмоқда. Ярмарка иштирокчилари раста, тош-тарози, совутгичли витрина ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланган.

«Олой деҳқон бозори»даги ана шундай ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятлари миришкорлари ўзлари етиштирган маҳсулотларни харидорларга тақдим этаётир.

— Вилоятимиз фермерлари пойтахтимиздаги учта бозорга ҳар куни ўнлаб тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқда, — дейди Фарғона вилояти бозорлар уюшмаси раиси Одилжон Тошболтаев. — Ҳозирга қадар 200 тоннадан зиёд мева ва сабзавот сотдик.

Ушбу арзон ва сифатли маҳсулотлар шаҳарликлар дастурхонини безаш билан бирга, бозордаги нарх-навонинг барқарор сақланишига ҳам хизмат қилмоқда. Нукус ва Урганчнинг гуручлари, Паркент ва Олтиариқнинг узуму бодринглари, Бухоро ва Қашқадарёдан келтирилаётган гўшт ва тухум маҳсулотлари харидорларга ҳар жиҳатдан маъқул бўлаётир.

«Олой деҳқон бозори» маъмуриятидан олинган маълумотларга кўра, ярмарка бошланган кундан ҳозирга қадар бозорда 130 тонна гуруч, 30 минг донадан кўпроқ тухум, 6 тоннадан зиёд гўшт, қарийб 40 тонна картошка, пиёз, 50 тонна атрофида узум, шафтоли каби маҳсулотлар сотилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-ярмаркалари 10 сентябргача давом этади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Истиқлол имкониятлари

# ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

*Қувонарлиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари орасида илмий-ижодий фаолиятини давом эттириб, Президент стипендианти, халқаро фан олимпиадаси ва санъат танловлари ғолиблари, Осиё ва жаҳон чемпионлари, илмий даражаларга эришганлар ҳам бор.*

4-бет



Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

***демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг янада фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади***

Демократик жамиятда сайловлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисми, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши, халқ суверенитетини рўёбга чиқаришнинг асосий шаклидир. Шу боис Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини изчил такомиллаштириб боришга демократик ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш ғоялари илгари сурилган эди. Бу сиёсий партиялар фаоллигини янада кучайтириш, уларга тенг шароитлар яратиш ҳамда кўппартиявийлик тизимини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди.

⇨ 2




«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг!

Партияларaро баҳс:

## ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ КУРАШИШ




*борасида ЎзЛиДеПнинг сайловолди ваъдалари ҳамон бажарилмаяпти*

www.uzbekistonovozi.uz

Ижтимоий ҳимоя

# МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ХАЙРУ САХОВАТ

***халқимиз эъзозловчи эзгу қадрият***

Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди жорий йилда ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. «Миллий қадриятлар ва оилавий тарбия», «Оилада соғлом турмуш тарзи» мавзуларида семинарлар ўтказилиб, унда ёш оилалар иштироки таъминланди.

*(Давоми 3-бетда.)*

Бугунги сонда

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида
● ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН 2-бет

Одамлар орасида
● БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР 4-бет

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

## *демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг янада фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади*

Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни бажариш мақсадида бир гуруҳ депутатлар томонидан тайёрланган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фракциямиз мажлисида қизғин муҳокама этилди. Қонунчилик палатасидаги қўмиталар йиғилишларида ҳам фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг июль ойида деярли барча вилоятларда сиёсий партиялар вакиллари иштирокида сайлов қонунчилигига бағишланган қатор семинарлар ташкил этилди. Уларда фракциямиз аъзолари фаол қатнашиб, қонун лойиҳаси юзасидан электорат билан фикр алмашди.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масаласи сиёсий партияларнинг эътибор марказида бўлиши табиий албатта. Чунки, сайлов ҳар бир сиёсий партиянинг халқ ўртасидаги обрўсини белгилаб берадиган, уларнинг ғояларини халқ қай даражада қўллаб-қувватлашини кўрсатадиган энг муҳим синовдир. Шунинг учун, гарчи мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан киритилган бўлса-да, унинг долзарблиги, мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилишини инобатга олган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси бу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра, сайловга оид қонун ҳужжатларига 7 та асосий йўналиш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, қонун лойиҳасида «Сайловолди ташвиқоти» тушунчасига муфассал таъриф берилмоқда ва ташвиқот олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усуллари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Бу эса сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилиши, сайлов кампаниясининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норманинг кўзда тутилиши ҳам сиёсий партиялар учун муҳим аҳамиятга эга. Сайловолди ташвиқотини амалга оширишда бундай чекловнинг белгиланиши, сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш ва қайси сиёсий партия вакилига овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт беради. Шунингдек, бу овоз бериш арафасида турли суиистеъмоллик ва қоидабузарликларнинг содир бўлиш эҳтимолини бартараф этишга замин яратади.

Амалдаги қонунга биноан, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга ОАВдан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган. Бироқ бу масала аниқлаштирилмаган ва уларни амалга ошириш шартлари кўрсатилмаган. Шунга асосан, қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқоти олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, шунингдек, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини амалга ошириш шартлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Аввалги сайловлар тажрибасидан маълумки, участка сайлов комиссиялари кўпинча муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келарди. Бу ҳолат табиийки, сайлов кунига қадар овоз беришни ўтказиш тартиби ва муддатларини қонунчиликда янада аниқ мустаҳкамланишини талаб этарди. Қонун лойиҳасида бу масалаларга ҳам ойдинлик киритилган. Мазкур муаммонинг ҳал этилиши фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва участка сайлов комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади. Қонунбузарлик ҳолатларига барҳам берилади.

Қонун лойиҳасида, овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернетга) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норманинг назарда тутилиши ҳам сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишда қўл келади.

Сайловга оид қонун ҳужжатларининг доимо ривожлантириб борилиши, сайлов тизимининг янада демократлашуви, сиёсий партияларга берилаётган имкониятлар кенгайтирилиши барча сиёсий партиялар каби Халқ демократик партияси учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бугунги кунда ўз сафида 370 мингдан зиёд аъзоси бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сайловолди ташвиқотини олиб боришга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, сайлов кампаниясини самарали олиб бориш учун барча ташкилий имкониятлар мавжуд. Қонун лойиҳаси партиямиз дастурида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришда янада кенг имкониятлар очиб беради. ЎзХДП барча даражадаги сайловларда иштирок этар экан, уларнинг якунларига кўра доимо юқори мавқени эгаллашга ҳаракат қилади. Бу билан партиямиз ўз депутатлик корпуси орқали қонун ва бошқа давлат қарорларини ўз электорати манфаатларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси қонун лойиҳасидаги депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барча фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувида фаол иштирок этиши, одамларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган жараёнларга дахлдорлигини оширишга хизмат қилади.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида




# ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

***ЎзХДП Олот туман кенгаши ташаббуси билан давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ҳамда электорат вакиллари иштирок этди.***

Мулоқот иштирокчилари таъкидлаганидек, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида энг аввало, инсон манфаати, қадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўйиш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Тадбирда сўзга чиққан электорат вакиллари бугунги кунда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, ҳар бир партия одамлар қалбида ислоҳотлар тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилаётгани, кишилар ишончини қозониб, уларни ўз ортидан эргаштира оладиган сиёсий кучга айланишга интилаётгани айтилиб, бу борада таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди.

**Шаҳло БАКАЕВА**

✧✧✧

***ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашида «Ёшларнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурини юксалтириш — давр талаби» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси вакиллари, шунингдек, Қарши давлат университети профессор - ўқитувчилари иштирок этди.***

Ҳозирги глобаллашув даврида ёшларни ахборот хуружи, шунингдек, турли зарарли иллатлар таъсиридан асрашнинг энг самарали йўли уларнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурини юксалтиришдир. Ўсиб келаётган ёш авлод энг сўнгги ахборот коммуникация технологиялари воситасида билим олишларини таъминлаш, ҳунар эгаллашига кўмаклашиш учун янада қулай шарт-шароит яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади.

— Ёшлар янгиликларга ўч, қизиқувчан ва бошқа воқеа-ҳодисаларга таъсирчан бўлади, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Зулфиқор Усмонов.** — Шундан бўлса керак, турли зарарли ахборотлар ҳам асосан ёшларни чалғитиш, улар маънавияти, дунёқарашига путур етказишга йўналтирилмоқда. Киши билимли, ҳунарли бўлса, мустақил фикрласа, дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларни теран таҳлил қила олса, уни ҳеч қандай манфур куч йўлдан оздиролмайди. Демак, биз «истиқбол»чилар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавиятини юксалтириш каби партиямиз дастурида белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашишимиз, бу борадаги тадбирларни жонли, баҳс-мунозаралар асосида ўтказиш, ёшлар билан долзарб мавзуларда фикр алмашиш, учрашувларда соҳа мутахассислари ва депутатлар иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

**Музаффар ТУРОПОВ**

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ҲУНАРЛИ КИШИ ЯРАТИШ ИШТИЁҚИ БИЛАН ЯШАЙДИ

## *ўзи ва оиласи фаровонлигини мустаҳкамлашга интилади, турмушида хайр-барака, файз-таровват бўлади*

Сўзга чиққанлар хотин-қизлар, хусусан, уйда бола тарбияси билан банд аёлларга касаначилик билан шуғулланишнинг афзалликлари, бу борада яратилаётган шароит ва имкониятлар хусусида тўхталиб ўтишди.

***Фарида Қўлдошева,***
***«Фаол аёллар» қаноти Тошкент вилоят бўлими масъул ходими:***

— Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи самарали ҳал этилиши оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусан, касаначилик ривожи билан бевосита боғлиқ. Бу соҳа орқали хонадонларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, оилавий даромад манбаи яратилади, бу эса фаровонликни мустаҳкамлайди, айни пайтда, корхоналарнинг иш унумдорлиги ошади.

Бу жамиятимиз янада тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга, албатта. Шу боис электоратимиз вакиллари уй меҳнатини йўлга қўйишида ҳуқуқий асослар, бу борадаги имтиёзлар ҳақида бой тушунчага эга бўлиши лозим. Бу — уларнинг эркин фаолият юритишига замин ҳозирлайди. Шунинг учун жойларда тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказаяпмиз.

***Ёқутхон МЎМИНОВА,***
***Бекобод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:***

— Айни пайтда, туманда кўплаб ҳунармандлар фаолият кўрсатади. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар. Ёш қизларимизнинг касаначиликка иштиёқи баланд. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, туманда жорий йилда касаначилик асосида 30 дан ортиқ иш ўрни очиш белгиланган.

Касаначи-ҳунармандлар орасида имконияти чекланган кишилар ҳам талайгина. Бу — бежиз эмас. Сабаби, бундай кишиларни касаначиликка жалб этишда ЎзХДП фаоллари ва депутатлари жонбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг чекка қишлоқларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётгани ногиронларга ҳуқуқий йўл-йўриқ ва маслаҳатлар билан ўз ишини, қонуний меҳнатини йўлга қўйишда кўмаклашаётгани бу борада катта аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 1449 нафар битирувчининг айримлари касаначилик асосида ўз ишини бошлагани ва тенгдошларига ҳам буни тарғиб этаётгани кейинчалик оилавий тадбиркорлик, кичик бизнеснинг янада ривож топишига замин ҳозирламоқда.

***Азиза НАЗАРОВА, касаначи:***

— Болалигимдан тикиш-бичишга қизиқаман. Шу боис устозим Шарофат Пардаевадан тикувчилик, зардўзлик, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш ҳамда бисер ишини қунт билан ўргандим. Ниятим — тикувчилик цехи очиш. Бугунги тадбирга бошланғич сармояни шакллантириш, иш фаолиятини эркин олиб бориш билан боғлиқ саволларга малакали жавоб олиш мақсадида



келдим. Партия фаоллари ва депутатлар бу масалаларда тегишли маслаҳатлар беришди.

***Ортиғой ХЎЖАМҚУЛОВА,***
***гиламдўз:***

— Ўтган йили кичик гиламдўзлик цехини очдик. Бугунги кунда устоз-шогирд анъанаси асосида 8 нафар қизга бу ҳунарни ўргатаяпман. Бу йил ишимизни янада кенгайтиришни ният қилганмиз. Бугунгача қўл меҳнатида ишлаётган эдик. Эндиликда замонавий тўқув асбоблари олиб, маҳалламиздаги хотин-қизларни ҳам ишга жалб қилмоқчимиз.

Таъкидлаш жоизки, касаначиликнинг ривожланиши ҳудудлардаги ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар ҳам ечим топишида қўл келади. Шунинг учун ЎзХДП Бекобод туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи касаначилик асосида иш ўринлари яратиш, касаначиларнинг меҳнатини қонуний ҳимоя қилиш бўйича назорат-таҳлил фаолиятини янада кучайтирса, юзага келаётган камчиликларни вақтида бартараф этиш, ютуқларни оммалаштириш ишларини олиб борса, бундан партияга ҳам, электоратга ҳам наф етади.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Ўз-ўзини танқид

# ВАЗИФАЛАР СИДҚИДИЛДАН БАЖАРИЛМАС ЭКАН

## *муаммолар бартараф этилмайди*

**ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДА ПАРТИЯМИЗНИНГ 2011-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ, БУ БОРАДАГИ ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУМАН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИ, ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

— Ҳаракат дастурида ҳар бир вазифа аниқ белгиланган, — деди **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қуватбай Курбанбаев**. — Уни амалга оширишга масъул бўлган туман, шаҳар партия кенгашлари, депутатлик гуруҳларимиз ўз вазифасига талабчанликни оширса, берилган ваколат ва имкониятдан самарали фойдаланиб, фаолиятини амалий негизда олиб борса, бу энг аввало, электоратимиз манфаатига хизмат қилади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларга ечим топиш бўйича қатор ишлар қилинаяпти, албатта. Аммо улар ҳали жуда кам.

— Янги ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобига аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, уйда ўтирган аёлларни касаначилик ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш орқали иш ўринлари яратиш масалалари бевосита электоратимиз манфаати билан боғлиқ, — деди **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши бўлим мудири Пўлат Жумамуратов**. — Айтиш жоизки, мазкур вазифалар ижросини таъминлашда Беруний ва Тўрткўл туман партия кенгашлари бошқаларга ибрат бўлмоқда. Мазкур туманлардаги депутатлик гуруҳлари қатор масалаларни сессия муҳокамасига олиб чиқишга эришди. Бироқ партиянинг Шуманай, Чимбой, Мўйноқ туман ташкилотлари бу вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўймоқда. Улар ўз ишига лоқайд ва бепарво муносабатда бўлса, электорат манфаатларига дахлдор масалаларга бефарқ қараса, бу партиямиз обрўсига путур етказади. Мазкур туман партия кенгашлари фаоллари ва депутатлар буни тўғри англаб, амалий ишларга ўтишлари лозим.

> Партиянинг Шуманай, Чимбой, Мўйноқ туман ташкилотлари бу вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўймоқда. Улар ўз ишига лоқайд ва бепарво муносабатда бўлса, электорат манфаатларига дахлдор масалаларга бефарқ қараса, бу партиямиз обрўсига путур етказади.

Шунингдек, йиғилишда туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга жиддий эътибор бериши зарурлиги таъкидланди. Электорат орасида иш олиб боришда замонавий усул ҳамда умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш лозимлиги уқтирилди. Фаол партия ташкилотларини рағбатлантириб бориш таклифи маъқулланди ҳамда электорат билан ишлаш, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатиб келаётган Беруний туман партия кенгаши «ЎзХДП таянч кенгаши»деб топилди ва компьютер билан тақдирланди.

— Халқ депутатлари Беруний туман Кенгашида 30 нафар депутат бўлиб, шундан 18 нафари партиямиз вакилларидир, — дейди **туман партия кенгаши раиси Халилла Ешимбетов**. — Жорий йил март ойида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда депутатларнинг фаоллигини ошириш тўғрисида»ги масалани туман Кенгаши сессиясига олиб чиқдик. Йилнинг иккинчи ярмида ҳам иккита масала киритишни режалаштирганмиз.

Йиғилишда партия иши танқидий таҳлил қилинар экан, партия аъзолари билан ишлаш, электоратни ташвишга солаётган муаммоларни кўтариб чиқиш бўйича Тахиатош шаҳар, Қораўзак, Нукус, Шуманай, Чимбой, Тахтакўпир туман партия кенгашлари фаолияти кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланиб, улар ишини жонлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ҳуқуқий ислоҳот

# АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ

## фаолиятини янада кучайтириш ҳамда адвокатлар ҳуқуқий мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида

**АДВОКАТУРА ҚАДИМИЙ ҲУҚУҚ ИНСТИТУТЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ТАЪМИНЛАНИШИ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАЙДИ. «АДВОКАТ» ЛОТИНЧА «ADVOCATUS» СЎЗИДАН ОЛИНГАН БЎЛИБ, «ТАКЛИФ ЭТИЛГАН» ДЕГАН МАЪНОНИ АНГЛАТАДИ. ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ, ҚАДИМГИ РИМДА СУД ЖАРАЁНИДА СУДЛАНУВЧИ ЎЗИНИ ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ ЁКИ ҚАРИНДОШИ, ДЎСТИНИ УНИНГ ВАКИЛИ БЎЛИШГА ТАКЛИФ ЭТИШИ МУМКИН БЎЛГАН. ШУНДАН «АДВОКАТ», ЯЪНИ «ТАКЛИФ ЭТИЛГАН» СЎЗИ КЕЛИБ ЧИҚҚАН.**

Собиқ тоталитар тузум ҳукмронлик қилган даврда адвокатура соҳасини ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмади. Инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралмаганлиги боис ҳимоя институтини ривожлантиришдан манфаатдорлик бўлмаган. Аҳволни тасаввур қилиш учун адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив ҳужжат сифатида фақатгина дастлаб 1939 йилда, кейинчалик 1961 йилда тасдиқланган «Адвокатура тўғрисида»ги Низом мавжуд бўлганлигини эслаш кифоя.

Давлатимиз мустақилликни қўлга киритгач, ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйди ва бу олий мақсадга эришиш адвокатура институтини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этарди. Дарҳақиқат, фуқароларни малакали юридик ёрдам олиш имконияти билан таъминлаш, адвокатура соҳасини профессионал маҳоратга эга кадрлар билан тўлдириш ва адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтиришга қаратилган жиддий ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, Конституциямизда фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши, адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланиши қайд этилди.

1996 йил 27 декабрда «Адвокатура тўғрисида» ва 1998 йил 25 декабрда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши билан адвокатларнинг фаолияти ҳуқуқий кафолатланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши эса ушбу соҳа учун катта аҳамият касб этди. Мазкур Фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш ҳамда адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишда моҳият жиҳатдан янги босқични бошлаб берди.

Фармонда мажбурий аъзоликка асосланган ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқий вориси сифатида, унинг негизида ташкил этилган адвокатуранинг марказлашган ўзини ўзи бошқариш тизими — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш назарда тутилди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва палата 2008 йил 23 октябрда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтди. Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида палатанинг ҳудудий бошқармалари фаолият кўрсатмоқда.

Илгариги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва ҳудудий адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари Адвокатлар палатаси ҳузурида ва унинг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилди.

Юқоридаги Фармонда белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида 3 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ҳамда 10 га яқин идоравий-меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, 2008 йил 31 декабрда «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун орқали киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий моҳияти фуқароларнинг конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда адвокатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтиришдан иборат.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг биргина «Ҳимоячи» деб номланган 49-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи ҳақиқий чекланган пайтдан эътиборан ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат этилади. Мазкур модданинг эски таҳрири талабига мувофиқ эса ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этиларди. Бу ҳолат, албатта, фуқароларнинг ҳимоячидан тўлиқ юридик ёрдам олишига тўсқинлик қиларди ҳамда уларнинг ҳуқуқлари поймол этилиши эҳтимоли мавжуд эди.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан, адвокат бўлишга номзодлар учун талаблар кучайтирилди, яъни юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўташ шартлиги белгиланди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида республикамизда адвокатура институти такомиллаштирилди ҳамда у фуқаролик жамиятининг фаол иштирокчиси сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ишончли тизимга айланди. Йилдан-йилга адвокатлар сони ошиши баробарида уларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ишониб топшираётган шахслар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган адвокатлар сони 3332 нафарни, адвокатлик тузилмалари сони 1126 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даври ҳолатига кўра, адвокатлар сони 3512 нафар ҳамда тузилмалар 1219 тадир.

Ўтган йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида адвокатлар билан ишонч билдирувчи шахслар ўртасида жиноий, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари бўйича тегишли судларда иштирок этиш учун 63396 та юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида битимлар тузилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида эса бу рақам 68853 тани ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда, адвокатура соҳаси бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижасида адвокатура тизими тубдан ислоҳ қилинди, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти кучайди ҳамда чинакам мустақиллиги кафолатланди. Энг муҳими, инсон, унинг манфаатини ҳимоя қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг мақсади ва фаолиятининг асоси эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

**Актам МУҲАММАДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.**

Ижтимоий ҳимоя

# МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ХАЙРУ САХОВАТ

## халқимиз эъзозловчи эзгу қадрият

**МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМОАТ ФОНДИ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН КИШИЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КЎМАКЛАШИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.**



Ўтган давр мобайнида фонд ва унинг вилоятлардаги ваколатхоналари моддий жиҳатдан ёрдамга муҳтож одамларни дори-дармон, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб тадбирлар ўтказди. Бу ҳақда фонд бошқаруви раиси **Асрор МИРЗАҲМЕДОВ** қуйидагиларни гапириб берди:

— Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жараёнида биз аксарият ҳолларда фуқаролар мурожаатларига таянамиз, — дейди у. — Бизга ёрдам сўраб келган ҳеч бир киши эътибордан четда қолмайди. Дастлаб унинг аҳволи, яшаш тарзи вилоятдаги ваколатхоналар ёрдамида жойларга чиқиб ўрганилади. Шундан сўнг, хайрия тадбири ташкиллаштирилади. Мисол учун, яқинда Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди Тошкент вилоят ваколатхонаси мурожаат қилган кишиларнинг ҳаёти, турмуш имкониятлари билан танишиб чиқиб, қатор тадбирлар ташкил этди.

Хусусан, вилоятда яшовчи 260 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун хайрия дастури ўтказилди. Шунингдек, Оҳангарон туман Саховат уйида 100 нафар нуроний отахону онахонларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур йўналишдаги тадбирлар Қуйи Чирчиқ, Ангрен, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Пискент, Янгийўл туманлари ва Бекобод шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Қашқадарё вилоятининг Косон, Яккабоғ, Муборак, Нишон ҳамда Деҳқонобод туманлари, Қарши шаҳридаги тадбирларда эса мингдан зиёд оилаларга ижтимоий кўмак кўрсатилиб, соғлиғини тиклаш учун даволаш масканларига йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, 2011 йил Андижон, Бухоро вилоятларида 373 нафар кўмакка муҳтож кишиларга, Жиззах ва Наманган вилоятларида эса 421 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳар жиҳатдан соғлом инсон соғлом фикрлайди. Бу эса бевосита жамиятда соғлом муҳит қарор топишини кафолатлайди. Яқинда жамоат фонди уставига аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган муаяйн қўшимчалар киритилди. Тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида, шунингдек, соҳа ходимларининг малакасини ошириш мақсадида хорижий давлатларда ўқитиш ҳамда рағбатлантиришда ҳомийлик қилиш белгиланди.

Шунга мувофиқ, жамоат фонди ҳомий ташкилотлар билан бирга Республика перинатал маркази раҳбариятининг мурожаатига кўра, «Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, касалликларнинг олдини олиш», «Соғлом она — соғлом бола» дастурини бажариш ҳамда марказнинг информацион компьютер локал базасини яратиш учун 180 миллион сўм маблағ ажратди.

Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди жорий йилда ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. «Миллий қадриятлар ва оилавий тарбия», «Оилада соғлом турмуш тарзи» мавзуларида семинарлар ўтказилиб, унда ёш оилалар иштироки таъминланди. Шу билан бир қаторда, оилаларда маънавий муҳитни қарор топтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар маданий дам олишини таъминлаш, жисмоний имконияти чекланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ишлари олиб борилаяпти.

Муҳими, ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида баъзан ҳаёт синовларига дуч келаётган одамлар қўллаб-қувватланиб, уларнинг ҳаётга ишончи, жамият равнақига улуш қўшиш иштиёқи тобора ортиб бормоқда.

**«Ўзбекистон овози» мухбири, Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

Мактаб бозори



# САВДОДА — ЎҚУВ АНЖОМЛАРИ

САНОҚЛИ КУНЛАРДАН СЎНГ ЮРТИМИЗ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ. АЙНИ ПАЙТДА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА УШБУ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. БАРЧА ЖОЙЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДА ҲАМ «МАКТАБ БОЗОРИ ВА ЯРМАРКАЛАРИ» ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

Андижон шаҳрининг Истиқлол кўчасида ташкил этилган мактаб ярмаркаси ҳам аҳолига катта қулайлик яратди. Ярмаркада ота-оналар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар харид қилиши мумкин.

— Юздан зиёд турдаги маҳсулотларни, дарслик ва ўқув қуролларини савдога чиқарганмиз, — дейди «Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамияти Андижон филиали раҳбари Ўктамжон Исоқов. — Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида савдо шохобчаларига терминаллар ўрнатилган. Маҳсулотларимиз нархи нисбатан арзонлиги билан ота-оналарга манзур бўлмоқда.

— Фарзандларимга ўқув қуроллари, сумкалар сотиб олдим, — дейди Андижон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фотимахон Иминова. — Ярмаркаларнинг яхши томони шундаки, фарзандларимиз билан вилоят, туман марказларидаги бозор ва савдо дўконларидан нарса қидириб юрмаймиз. Ўқувчилар учун зарур бўлган барча ўқув анжомларини шу ернинг ўзидан харид қиляпмиз. Муҳими, савдога қўйилган дафтар ҳамда бошқа зарур ўқув қуролларининг нархи нисбатан арзон бўлиб, уларда болалар тарбияси, маънавиятига салбий таъсир этувчи турли сурату тасвирлар учрамайди.

Ярмаркаларнинг ташкил этилиши ота-оналарга катта қулайлик яратди. Шу боис ҳам мактаб бозорлари доимо харидорлар билан гавжум.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хориж

# ИККИНЧИ ЯДРО РЕАКТОРИ

## вақтинча тўхтатилди

***Бельгиянинг ядро хавфсизлиги бўйича федерал агентлиги мамлакатдаги «Тианж-2» атом электр станциясининг иккинчи ядро реакторини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу жорий йилнинг ўзида техник сабабларга кўра фаолияти вақтинча тўхтатилган мамлакатдаги иккинчи ядро реакторидир.***



Хабарларга қараганда, июнь ойида ҳам «Дуль-3» атом электр станциясининг учинчи ядро реактори корпусида ёриқ пайдо бўлгани учун фаолияти тўхтатилган эди.

Экспертларнинг айтишларича, «Тианж-2» ва «Дуль-3» реакторлари хавфсизлик нуқтаи назаридан тўхтатилган. Ҳозирча атроф-муҳит ва кишилар соғлиғига салбий таъсир этувчи хавф йўқ.

«Тианж-2»даги реактор корпусини ультратовуш усулида диққат билан текшириш 10 сентябрдан бошланади. Октябрь охирларидан эса реакторни қайта ишга тушириш юзасидан бир қарорга келинади. «Дуль-3» реакторини эса сентябрь охиридан ишга тушириш мумкинлиги айтилмоқда.

Маълумотларга қараганда, 2011 йилда Бельгия АЭСларида умумий ҳисобда 14 та фавқулодда ҳолат юз берган. Аммо уларнинг барчаси салбий оқибатларсиз бартараф этилган.

Бельгиянинг амалдаги ҳукумати маълум қилган эдики, мамлакатдаги барча атом электр станциялари фаолияти босқичма-босқич тўхтатилади ва 2025 йилга бориб Бельгия АЭСлардан тўлиқ воз кечади. АЭСлар фаолиятини тўхтатиш 2015 йилдан бошланади.

# ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

## эълон қилинди

***АҚШнинг Даллас шаҳри мэри шаҳарда «Ғарбий Нил безгаги» деб номланган безгак касаллиги тарқалгани сабабли фавқулодда ҳолат эълон қилди.***



Бугунги кунгача Техас штатида айнан шу касалликдан 14 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, дея хабар беради «CNN» телеканали. Ҳозир штат бўйича мутахассислар инфекция ташувчи чивинларга қарши пестицидларни пуркашмоқда.

Умуман, мамлакат бўйича безгакдан 26 киши ҳалок бўлган. 241 кишида айнан шу касаллик аломатлари борлиги қайд этилган. Ҳозирча касаллик 42 та штатга тарқалгани ҳақида ахборотлар бор. Касалликнинг 80 фоизи эса Техас, Миссисипи ва Оклахома штатларида қайд этилган.

Ҳозирча бу касалликни даволаш учун дори-дармон мавжуд эмас, шунингдек, вакцина ҳам.

50 ёшдан ошганлар, саратонга чалинганлар, буйрак ва қанд касаллиги борларга безгак тез юқади.

# ЖУФТ РАҚАМ ЖУФТ КУНДА

## тоқ рақам тоқ кунда

***Кейинги пайтларда автомототранспорт воситаларининг кўпайгани нафақат йўлларда транспорт тиқини пайдо бўлишига, балки экологик муаммолар қамрови кенгайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам кўпгина давлатлар экологик мувозанатни сақлаш йўлида зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.***



Хитой маъмурияти эса йўлларда транспорт тиқинини бартараф этиш ва экологик муаммоларни камайтириш мақсадида давлат муассасаларига тегишли автомобиллар ҳаракатини камайтиришга қарор қилди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, автомобиль рақами тоқ сонда тугайдиганлар эндиликда тоқ кунларда, жуфт сонда тугайдиганлар эса жуфт кунларда ўз автомобилларидан фойдаланиши ҳақида кўрсатма олганлар. Кимки бу қоидани бузса маъмурий чора кўрилади.

Реклама

**Вниманию организаций и предприятий!**

# МУЗЕЙ ПРИРОДОВЕДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

## ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

***По объекту:*** «Капитальный ремонт системы отопления и строительные работы Музея природоведения Узбекистана в г.Ташкенте».

***Стартовая стоимость заказчика:***

— 361 513 010 сумов с учетом НДС,
— 301 260 840 сумов без учета НДС.

***Срок завершения строительства*** — 5 месяцев.

***Заказчик:*** Музей природоведения Узбекистана.

***Источник финансирования*** — за счет госбюджета.

Конкурсные торги будут проводиться среди субъектов малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — ООО «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

***Стоимость одного комплекта конкурсных документов — сто двадцать тысяч сумов.***

Оферты принимаются организатором торгов по адресу:

***г. Ташкент, ул. Навои, 22,***
тел. ***8 (371) 241-30-11, (+99893) 397-73-34.***

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт по нижеуказанному адресу:

***г. Ташкент, ул. Навои, 22.***

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании Управления государственного таможенного комитета по адресу:

***г. Ташкент, ул. А. Ниёзова 1.***

Истиқлол имкониятлари

# ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИ УЧУН ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА МУНОСИБ КЎРИЛГАН ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗДИ.**

Унда ёш олималар тиббиёт, табиий газ ва ёқилғиларни тежаш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, болалар спортини ривожлантириш, интернет журналистикаси мавзулари бўйича илмий маърузаларини она тилимиздан ташқари рус ва инглиз тилларида баён этишди. Мутахассислар ушбу маърузаларни саралаб, илмий тўплам шаклида нашр этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди.

— Тиббиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бораяпман, — дейди **нукуслик Замира ПАЛУАНИЯЗОВА.** — Республика Хотин-қизлар қўмитасига мурожаат қилгандим, улар томонидан врачлар малакасини ошириш институтига йўлланма берилди. Бу мени илмий изланишимга бўлган масъулиятимни янада оширди.

Тадбир якунида олима қизларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

✧✧✧

Ўзбекистон давлат консерваториясида Республика Хотин-қизлар қўмитаси «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида навбатдаги анжуманни ўтказди. Унда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг барча йўналишлар совриндорлари қатнашди.

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда таъсис этилган бу мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва спорт йўналишларида ютуқларга эришган иқтидорли қизларга бериб келинмоқда. Бугунга қадар уларнинг сони 182 нафарга етди. Қўмита томонидан ўтган ойларда барча совриндорларнинг ижодий, илмий, етакчилик, изланувчанлик ва интеллектуал салоҳиятларини ошириш, тенгдошларига ибрат бўлишдаги ташаббусини кучайтириш, эришаётган ютуқларини тарғиб қилиш, бу борадаги айрим муаммоларни ҳал этиш мақсадида улар фаолияти мониторинг қилинди ҳамда қатор анжуманлар уюштирилди.

**Қувонарлиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари орасида илмий-ижодий фаолиятини давом эттириб, Президент стипендианти, халқаро фан олимпиадаси ва санъат танловлари ғолиблари, Осиё ва жаҳон чемпионлари, илмий даражаларга эришганлар ҳам бор.**

— Бу мукофотга 2006 йилда сазовор бўлганман, — дейди **Зебо Нурмонова.** — Берилган имтиёз туфайли Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси бўлдим. Ўқиш давомида инглиз, рус ва япон тилларини яхши ўрганиб бир қатор кўрик-танловларда иштирок этдим. Бугунга қадар «Нилуфар», «Томчи» ва «Баҳор гули» номли шеърий тўпламларим нашрдан чиққан. Менга билдирилган ишончни келгусида янада катта ютуқларни қўлга киритиш билан оқлаб боришга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, тадбирда санъат ва адабиёт йўналишида мукофотга лойиқ кўрилган қизларнинг она Ватан, бугунги тинч-осуда, фаровон турмушимизни улуғловчи қўшиқлари, мушоирасига ҳам кенг ўрин берилди.

Мазкур анжуманларда Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**Альбина ЖУМАНОВА.**

# ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ

*ишга тушди*

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА КЎПЛАБ ЯНГИ ТИББИЙ МУАССАСАЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ, ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ ҲАМДА КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ. «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ДЕНОВ ТУМАНИДА ҲАМ ЯНГИ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ.**

— Илгари туғуруқ мажмуаларимиз тарқоқ ҳолда эди, шароитлар ҳам бугунги кун талабига жавоб бермасди, — дейди туман бирлашган шифохонаси бош шифокори Юнус Ўроқов. — Бугун тиббиёт маскани барча қулайликларга эга. Қурилишга ҳукуматимиз томонидан 1 миллиард 705 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Уч қаватли мажмуа «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида қарийб 500 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, — суҳбатга қўшилади марказ бошлиғи Бахтиёр Дўстмуродов. — Бу ердаги ҳомиладорлар, жонлантириш, чақалоқлар касалликларини даволаш, ташхис қўйиш бўлимлари ҳамда лаборатория хонасида барча шароитлар мавжуд. Туғуруқ ёшидаги аёллар учун 110 қатновга мўлжалланган маслаҳатхона фаолият кўрсатмоқда. Хоналар иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Айни кунларда жамоада 500 нафарга яқин малакали шифокор ва ҳамширалар фаолият юритмоқда. Бу эл соғлигини асраш, соғлом авлодни дунёга келтириш йўлидаги эзгу ишлар ҳар куни давом этаётганидан далолатдир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛМОҚДА

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА САМАРҚАНДДА ҲАМ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ, КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР БАРПО ЭТИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.**

— Самарқанддаги жами 23 минг 186 километрли автомобиль йўлининг 4 минг 90 километри умумфойдаланишдаги йўлни ташкил этади, — дейди «Самарқанд автомобиль йўллари» бирлашмаси бўлим бошлиғи Олим Исломов. — М-39 халқаро тоифадаги «Олмаота — Бишкек — Термиз» автомагистралининг 20 километрида, М-37 тоифасидаги «Самарқанд — Бухоро» автомагистралининг 25 километрида кенг қамровли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Бугунги кунда мазкур автомагистралларда ҳар куни 100 нафардан зиёд йўлсоз кунни-тунга улаб меҳнат қилаяпти. Мазкур ҳудудлар таъмири Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида ниҳоясига етказилади.

— Мен, қарийб 40 йилдан бери йўл соҳасида меҳнат қилаяпман, — дея сўз бошлади йўлсоз Юсуф Акбаров. — Йўллар атрофини ободонлаштириш, қуриш масаласига, айниқса, Истиқлол йилларида алоҳида эътибор берила бошланди. Йўлларни сифатли таъмирлаш учун зарур техникаларнинг барчаси замонавий. Ҳозирги вақтда ётқизилаётган асфальт қопламалари камида 10 сантиметрни ташкил этаяпти. Бу эса йўлларимизнинг сифатли, текис ва равон бўлишини таъминлайди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Одамлар орасида

# БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**МАРҒИЛОНДАГИ ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ УЙ МУЗЕЙИДА ШАҲАР ЖАМОАТЧИЛИГИ ВАКИЛЛАРИ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ҲАМДА МУЗЕЙ ҚОШИДАГИ АДАБИЙ ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИ БИЛАН ОЛИМ, ЁЗУВЧИ, САНЪАТКОРЛАР УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

— Мустақилликка осонликча эришмаганимизни яхши биламиз, — дейди меҳнат фахрийси Раҳматжон Қодиров. — Лекин унинг моҳияти ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоялар, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидан ўқилган парчалар йиғилганларнинг барчасини яна бир бор ҳаяжонга солди. Тинч, осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ундади.

Учрашув иштирокчилари профессор Ҳамидулло Болтабоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳакимахон Отахонова, шоир Исмоил Маҳмуд одамлар билан бундай мулоқотлар икки томон учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлаётганини таъкидлашди.

Дарвоқе, кенг миқёсли бундай тадбирлар бошланишидан олдин олимлар, журналистлар, ёзувчилар, санъат аҳли — зиёлилар вилоят хокимлигида тўпланиб, мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб аҳоли билан учрашувларни ўтказиш шакл ва услублари ҳақида маслаҳатлашиб олишганди.

Ўша анжуманда зиёлилар орасидан юзга яқин тарғибот гуруҳлари тузилди. Бугун уларнинг қадами, сўзи етиб бормаган маҳалла, қишлоқ, меҳнат жамоаси қолмади ҳисоб. Булар оддий учрашувлар эмас. Ҳар гал бирон воқелик, янгиликка уланиб кетади. Масалан, кечагина Марғилоннинг яна бир даҳаси — ипакчилар шаҳарчасида бўлиб ўтган учрашув билан бирга тадбиркор Азамат Эгамбердиев томонидан қуриб битказилган болалар спорт майдончаси ва мўъжаз фавворанинг очилиш маросими, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ёшлар форуми, спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Ҳомийлар юз нафар кам таъминланган оила фарзандларига байрам совғалари топширдилар.

— Учрашувлардан олган дастлабки таассуротим шуки, ўсиб келаётган авлод — ёшларнинг мустақиллик ғояларига садоқати ғоят мустаҳкам. Улар бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни сидқидилдан қўллаб-қувватламоқдалар, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов.

Ҳа, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасидаги маърифий суҳбат, фикр алмашувлар халқимиз кайфияти, орзу-истакларига ҳамоҳанг ўтмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Спорт

# ФУТБОЛ — ҲАММА УЧУН

**ЯҚИНДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИСТИҚЛОЛ» БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУИДА РЕСПУБЛИКА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА МИНИ ФУТБОЛ ҲАМДА СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ СОВРИНИ УЧУН ТУРНИР БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР МУСОБАҚАЛАРНИНГ МИНИ ФУТБОЛ БАҲСЛАРИДА ЎН ИККИ ЖАМОА ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.**

Турнирнинг ярим финалида «Халқ сўзи» — «Ўзбекистон овози», «Тошкент ТВ» — «Телемарказ» жамоалари ўзаро куч синашди. Дастлабки жуфтлик учрашувининг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилиб, финалчи номига пенальтилар сериясида ойдинлик киритилди. Унда «Ўзбекистон овози» футбол жамоаси 2:1 ҳисобида зафар қучди. Иккинчи жуфтлик ўйинида эса омад «Тошкент ТВ» жамоасига кулиб боқди — 3:2.

Мусобақанинг учинчи ўрин учун кечган баҳсида «Халқ сўзи» жамоаси «Телемарказ» вакилларидан устун келди — 2:1.

Финалда эса «Тошкент ТВ» ҳамда «Ўзбекистон овози» жамоалари рўбарў келишди. Учрашув ниҳоятда муросасиз ўтишига қарамай унда «Тошкент ТВ» вакилларининг қўллари баланд келди.

Республика оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида ўтказилган стол тенниси баҳсларида «Маърифат» газетаси ходими Санобар Ҳакимова бош совринни қўлга киритди.



Футбол

**КЕЧА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БАҲСЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

# ДАСТЛАБКИ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Унда Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби ўз майдонида «Пахтакор»ни қабул қилган бўлса, «Бухоро» футболчилари «Насаф» меҳмони бўлди. Пойтахтнинг икки жамоаси ўртасидаги ўзига хос «дерби»да асосан дуранг натижа қайд этиларди. Бу сафар ҳам шу ҳолат такрорланди.

Ўйин бошидан ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилган пахтакорчилар кетма-кет ҳужумлар уюштиришди. Шу ҳужумларнинг бирида «Бунёдкор» ҳимоячиси Артём Филипосян ўз жарима майдонида тўпни қўли билан ўйнади. Учрашувни бошқариб борган Равшан Эрматов 11 метрлик жарима тепилиши кераклигини кўрсатди. «Пахтакор» ярим ҳимоячиси Станислав Андреев пенальтини голга айлантирди ва ҳисоб очилди.

Голдан кейин мезбонлар ҳам ҳужумга зўр беришди ва биринчи бўлим сўнггида Анвар Солиев чиройли бошланган ҳужумни гол билан якунлади ҳамда жамоалар шу ҳисобда танаффусга чиқиб кетишди.

Иккинчи бўлимнинг биринчи ярмида «Пахтакор» футболчилари ўйинни назорат қилишган бўлса, учрашув охирида мезбонлар фаоллашиб қолишди. Аммо учрашувда ҳисоб ўзгармади. Финал баҳсида қайси жамоа тўп суриши ноябрь ойида «Пахтакор» стадионида бўладиган жавоб ўйинида ҳал бўлади.

Қаршида бўлган учрашувда майдон эгалари бухороликлар дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб якуний ҳисоб 2:0 бўлишини таъминлашди. Биринчи бўлимнинг ўзида Алишер Юсупов ва Артур Геворкян гол уриб «Насаф»нинг ғалабасини таъминлашди. Иккинчи бўлимда ҳисоб янада йириклашиши мумкин эди. Аммо Владимир Шишелов белгиланган пенальтини аниқ бажара олмади. Гарчи ўйинда йирик ҳисоб қайд этилмаган бўлса ҳам жавоб учрашуви олдидан қаршиликларнинг имконияти юқори баҳоланяпти.

**Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА**

**ОБ-ҲАВО 23-24 – 08. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | | |
| +21 / +24 | +32 / +35 | |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | | |
| +22 / +25 | +34 / +37 | |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | | |
| +22 / +25 | +36 / +39 | |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | | |
| +22 / +25 | +37 / +40 | |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | | |
| +22 / +25 | +36 / +39 | |
| *Тошкент шаҳри* | | |
| +22 / +24 | +37 / +39 | |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +17 / +20 |
| Париж | +15 / +19 |
| Москва | +14 / +12 |
| Мадрид | +18 / +20 |
| Пекин | +20 / +21 |
| Канберра | -2 / +2 |
| Рим | +20 / +20 |
| Афина | +23 / +24 |
| Токио | +27 / +27 |
| Стокгольм | +13 / +13 |
| Кейптаун | +9 / +10 |
| Қоҳира | +23 / +25 |
| Гавана | +25 / +25 |
| Вашингтон | +22 / +23 |

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси директори Салахутдин Асомитдиновга ўғли **Жавлониддин ЗИЁВИДДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Реклама


«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»
ҳудудий акциядорлик бирлашмаси
жамоаси халқимизни
Истиқлол байрами билан
қутлайди.
Озод ва обод
диёримиз янада
гуллаб-яшнайверсин!


«ELUS»
ELUS
илмий ишлаб чиқариш корхонаси
21 йил
жамоаси
юртдошларимизни
энг улуғ, энг азиз
байрам билан
табриклайди!
Юртимизни
тинчлик,
қалбларимизни
шукроналик
асло тарк этмасин!


Чет эл капитали иштирокидаги
«САВДОГАР»
очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси
SAVDOGAR BANK
Мустақил мамлакатимизнинг
барча фуқароларини, банк мижозларини
Истиқлол айёми билан
муборакбод этади.
Байрамингиз қутлуғ
бўлсин, азизлар!


«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
холдинг компанияси жамоаси
юртдошларимизни мустақиллик
байрами билан қутлайди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси



21 yil

халқимизни Мустақиллик айёми билан табриклайди.



Иқтисодиётимиз ривожи йўлида амалга ошираётган ишларингизга зафарлар ёр бўлсин!

Реклама

UZTELECOM










# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси



халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади!

Юртимиз ободлиги, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ АБАДИЙ ПОРЛАБ ТУРСИН!

# «NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

NAVRUZ

қўшма корхонаси жамоаси

юртдошларимизни мустақиллик байрами билан қутлайди!






Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



Реклама




MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10525 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5